

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

**ДЖУРАЕВ СОБИР МИРЗАЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ-АШЁЛАР АСОСИДА ЁНҒИНГА ХАВФСИЗ  
ИССИҚЛИК ИЗОЛЯЦИЯЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат,  
ядро ва радиация хавфсизлиги**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of the of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Джураев Собир Мирзаевич**

Маҳаллий хомашёлар асосида ёнғинга хавфсиз иссиқлик  
изоляцияловчи материаллар .....

**Джураев Собир Мирзаевич**

Пожаробезопасные теплоизоляционные материалы на основе  
местного сырья.....

**Djuraev Sobir Mirzaevich**

Fireproof thermal insulation materials based on local raw materials .....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

**ДЖУРАЕВ СОБИР МИРЗАЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ-АШЁЛАР АСОСИДА ЁНҒИНГА ХАВФСИЗ  
ИССИҚЛИК ИЗОЛЯЦИЯЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат,  
ядро ва радиация хавфсизлиги**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т2019 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ipb.uz](http://www.ipb.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Саримсаков Абдишукур Абдухалилович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Хасанов Бахриддин Баратович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Юсупов Усмонжон Тургуналиевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Наманган Мухандислик қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги PhD.40/30.12.2020.Т.129.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил \_\_\_\_ кунлари соат 10:00 да мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил:100102, Тошкент ш., Дўстлик кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 258-35-33; факс: (99871) 258-35-33, e-mail: [info@akademiyafvv.uz](mailto:info@akademiyafvv.uz)).

Диссертация ҳимояси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100102, Тошкент ш., Дўстлик кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871)258-35-33; факс: (+99871)258-35-33, e-mail: [info@akademiyafvv.uz](mailto:info@akademiyafvv.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунлари тарқатилди.  
(2021 йил - \_\_\_\_\_ кунларидаги \_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Б.Т. Ибрагимов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

**Х.М. Дусматов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н.

**Ш.Э. Курбанбаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда йилига содир бўлаётган 7-8 миллион атрофида ёнғинлар оқибатида 85-90 мингдан ортиқ инсонларнинг ҳалок бўлиши, иқтисодий зарар ҳажмининг йилига 90 млрд. АҚШ долларни ташкил этиши, ёнғин хавфсизлиги соҳасини янада такомиллаштириш долзарб масалалардан бири эканлигини намоён этмоқда. Шу сабабдан фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш борасида изланишлар олиб бориш, хусусан ёнғин хавфсизлигини самарали таъминлаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Бинобарин, қурилиш саноатига замонавий технологияларни жорий этиш, юқори даражали мустаҳкам, инсон саломатлиги ва атроф муҳитга безарар, нисбатан енгил ва агрессив муҳитларга бардошли ҳамда ёнғинга хавфсиз бўлган инновацион қурилиш материалларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, оловбардош ва ёнғинга хавфсиз иссиқлик изоляцияловчи материалларнинг янги турларини яратиш борасида кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан маҳаллий ҳом ашёлар асосида юқори ғавақдорликка эга янги таркибларни олиш ва уларнинг ёнғин-техник хоссаларини татқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳаллий минерал ҳом ашёлар асосида ғавақдор таркибларни яратиш ва уларни ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Жаҳонда қабул қилинган ёнғин хавфсизлигини такомиллаштириш соҳасидаги меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқ, бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини талаб даражасида таъминлаш энг аввало ушбу объектларни қурилишида оловбардош ва ёнғинга хавфсиз қурилиш материалларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Республикамизда бугунги кунда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш<sup>1</sup> шу жумладан, иқтисодиёт тармоқларида ҳам ёнғин хавфсизлигини самарали таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, кўп миқдорда ишлатилаётган қурилиш материалларидан бири бу иссиқлик изоляцияловчи материалларини ўзининг ички имкониятларидан кенг фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқаришни зарурати тўғилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда ривожланиб бораётган қурилиш соҳаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Жумладан, республикамизда замонавий уй-жойлар ва шаҳар мажмуаларини қуриш бўйича бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. "Tashkent City" каби мега ва шунга ўхшаш лойиҳалар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, V – Бўлим, №1 Илова, "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги 2006 йил 28 сентябрдаги №ЎРҚ-57-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни, "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги №ЎРҚ-226-сон 2009 йил 30 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

шулар қаторидандир. Бу каби лойиҳалар доирасида юқори даражада ёнғин хавфсизлигини ҳамда энергия тежамкорликни таъминлаш бўйича талабларга жавоб берадиган биноларни қуриш янги конструктив ечимларни, инновацион технологияларни ҳамда ёнғинга хавфсиз материаллардан фойдаланишни талаб этади. Республикамизда бугунги кунда табиий, сунъий ва синтетик полимерлар асосида кўплаб материаллар ишлаб чиқилиши, ушбу қурилиш материаллари тез ёнувчан хусусиятга эга эканлиги, хизмат қилиш муддати етарли даражада эмаслиги, инсон саломатлиги ва атроф муҳитга зарари борлиги ўрганишлар давомида аён бўлди. Шу сабабдан ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ёнғинга хавфсиз, иссиқлик изоляциялаш хоссаларига эга самарали қурилиш материалларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5706-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4276-сонли, 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4335-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” ва VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси ва хорижда кейинги йилларда бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини ошириш, оловбардош қурилиш конструкциялари ва материалларини яратиш ҳамда уларнинг хоссаларини тадқиқ этишининг назарий ва амалий масалалари бўйича бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Буларга Жозеф Х.Ку, П.Конрой, Ю.Сорафия (АҚШ), Руефенг Чен, Хуалианг Гу (Хитой), Катарзина Мроз, Изобелла Хагер, Кинга Корнеженко (Польша), Луиза Жилиани (Дания), шунингдек Россия олимларидан - В.Л.Страхов, А.Н.Гаращенко, Н.В.Смирнов, А.Я.Корольченко, Т.Ю.Еремина, Б.Б.Серков, А.Н.Баратов, Р.А.Андрианов, И.Г.Романенков, А.С.Колосов, Е.С.Пикалов ва бошқаларнинг илмий-тадқиқотлари яққол мисол бўла олади.

Бир қатор олимлар О.Н.Крашенинников, Я.А.Ахтямов, Ю.М.Тихонов, А.В.Сидоров, А.С.Макбузов, А.Н.Щербин, А.З.Жуков, М.Бланез, А.Н.Нгуен, А.П.Пожнин, А.И.Кольцов, Л.Дюлак ва бошқалар томонидан вермикулит минерали асосида оловдан ҳимояловчи воситалар, оловбардош ва ёнғинга хавфсиз материаллар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда А.Т.Джалилов, Б.А.Мавлянкариев, Н.А.Самигов, И.У.Маджидов, С.З.Мирзаев, Б.А.Мухаммедгалиев, П.А.Арифов, М.Х.Усманов, Б.Т.Ибрагимов, И.И.Исмаилов, Ф.М.Нурқулов, И.И.Сиддиқов, Ш.Э.Курбанбаевлар оловдан ҳимояловчи воситалар, оловбардош ва ёнғинга хавфсиз материаллар яратишнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ қилиш бўйича кенг қўламли илмий изланишлар олиб боришган.

Ёнғинга хавфсиз иссиқлик изоляцияловчи янги материалларни яратиш жараёни узлуксиз бўлиб, бу борадаги тадқиқотлар олинаётган якуний маҳсулотларнинг ижобий ва салбий хусусиятларини инобатга олган ҳолда доимо такомиллашиб ва ривожланиб бормоқда. Республикамизда турли объектлар қурилишида қўлланилаётган иссиқлик изоляцияловчи материалларнинг асосий қисми ёки тўлиғича четдан келтирилади, ёки чет эллик етакчи фирмалар технологиялари асосидаги андазаларни назарда тутувчи четдан келтирилган турли қўшимчалар ёрдамида яратилади. Бундай маҳсулотларнинг асосий турлари ёнғинга хавфли бўлиб, асосан улар тез ёнувчан полимерлар ҳамда зарарли кимёвий бирикмалардан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга улар юқори даражада тутун ҳосил қилувчи хусусиятга ҳам эгадир. Шунга қарамасдан бу борадаги тадқиқотларда маҳаллий минерал хомашёлар асосида ёнғинга хавфсиз, иссиқлик изоляциялаш хоссаларига эга материалларни олиш масаласига бағишланган изланишлар етарли эмас ва бу масала бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ БВ-Атех-2018 “Маҳаллий минерал хомашё асосида қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва олов таъсиридан изоляциялаш даражасини кўтариш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёнғинга хавфсиз иссиқликдан изоляцияловчи материалларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш орқали бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кимёвий жараёнларнинг бориши ва асосий таркибий қисмларнинг ўзаро боғланишларини тартибга солиш орқали берилган тузилишга ва ғовақдорлик даражасига эга бўлган янги силикат таркибларни олишнинг оптимал шароитларини ишлаб чиқиш;

натрийли суюқ шиша ҳамда бошқа асосий компонентларни танлаш орқали таркибларнинг берилган термик, теплофизик ва физик-механик кўрсаткичларга эга бўлишини таъминлаш;

асосий ёнғин-техник тавсифлари бўйича ёнғинга хавфсиз материалларга тааллуқли бўлган иссиқликдан изоляциялаш хусусиятга эга плитка кўринишидаги янги материалларни ишлаб чиқиш;

натрийли суюқ шиша, доломит ва вермикулит каби маҳаллий минерал хомашёлар асосида ёнғинга хавфсиз бўлган плитка кўринишидаги

материалларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш;

маҳаллий минерал хомашёлар асосида янги олинган ёнғинга хавфсиз иссиқлик изоляцияловчи материалларни қўллаш орқали бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини ошириш;

тадқиқ қилинаётган материалнинг иссиқликдан изоляцияловчи барқарорлигини ҳисоблашнинг математик моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида маҳаллий хом ашёлар, натрийли суёқ шиша, доломит, вермикулит, полимер қўшимчалар ва минерал кислоталар асосидаги ёнғинга хавфсиз иссиқликдан изоляцияловчи материаллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** иссиқликдан изоляциялаш хусусиятига эга, ғовақдор таркибли ва ёнғиндан хавфсиз плитка қўринишидаги янги материалларни олиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида материалларнинг термик, теплофизик ва физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш усуллари, хусусан, дифференциал-термик, оптик ва электрон-микроскопик тадқиқот усуллари, физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари, шунингдек, термик бардошлиликни ҳамда ёнғин-техник хусусиятларини аниқлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

натрийли суёқ шиша, доломит ва хлорид кислота ҳамда қўшимча компонентлар сифатида алюминий оксиди, кремнезём ва полимер тўлдирувчилар ўртасидаги кимёвий жараёнларни ўтказиш асосида ғовақдор структурали иссиқликдан самарали изоляция қилиш хусусиятига эга, юқори ҳароратларга чидамли ғовақдор структурали силикат таркиблар яратилган;

янги таркибли силикат ва термовермикулитлар асосида асосий ёнғин-техник тавсифи бўйича ёнмайдиган, тутун ҳосил бўлиш коэффициенти паст қийматга эга ва юзаси бўйлаб аланганинг тарқалишига йўл қўймайдиган плитка қўринишидаги материаллар ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашёлар асосида иссиқликдан изоляцияловчи материалларни олиш бўйича аналогларига нисбатан кам энергия сарфланадиган ва экологик жиҳатдан тоза такомиллаштирилган ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

материални иссиқликдан изоляциялаш ҳимояси бўйича даража коэффициенти ( $k_y$ ) таклиф қилинган ва тадқиқ қилинаётган материалнинг иссиқликдан изоляцияловчи барқарорлигини ҳисоблашнинг математик модели ишлаб чиқиш эришиш орқали самарадорлиги оширилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иссиқликни самарали изоляциялаш хусусиятига эга бўлган ёнғинга хавфсиз плитка қўринишидаги материалларни олиш технологияси ишлаб чиқилган;

аланга тарқалиш хусусияти мавжуд бўлмаган, тутун ҳосил бўлиш коэффициенти паст қийматга эга, асосий ёнғин-техник тавсифи бўйича ёнмайдиган натрийли суёқ шиша асосида термовермикулитли ва силикатли плитка қўринишидаги материал ишлаб чиқилган;

янги ишлаб чиқилган ёнғинга хавфсиз иссиқлик изоляцияловчи материалларни қўллаш орқали қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва иссиқликдан ҳимоялаш даражасини оширишга ҳамда бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлик даражаларини ошишига эришилган;

иссиқликни изоляциялаш хусусиятини сақлаб қолиш самарадорлиги  $900^{\circ}\text{C}$  гача юқори ҳарорат таъсирида 8–10% гача, қурилиш конструкцияларининг  $300\text{--}450^{\circ}\text{C}$  дан  $1000\text{--}1200^{\circ}\text{C}$  гача ҳароратга бардошлилик чегарасининг 10–15% гача миқдорда ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация натижаларининг ишончлилиги унинг замонавий асбоб ва ўлчов ускуналаридан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, илмий асосланган ечимлар, хулосалар, ғовакли тизимларнинг ҳолатини математик услубда баҳолаш ва иссиқлик физикасининг фундаментал асосларидан фойдаланган ҳолда, ҳисобланган ва назарий маълумотларни синов тажрибалари натижаларига, шунингдек, ушбу йўналишда амалга оширилган бошқа тадқиқот натижаларига солиштириш орқали олинган натижалари билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, силикат таркибли ғовақдор структурали таркиблар, ёнғинга хавфсиз плитка кўринишидаги материаллар олишнинг назарий асосларини ривожлантириш, бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини ошириш усуллари такомиллаштириш ва ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари аниқланди. Иссиқликдан изоляцияловчи янги таркибларнинг асосий компонентларининг кимёвий таркиби, физик ҳолати ҳамда иссиқлик физикасига таъсир қилиш орқали мазкур воситаларнинг асосий ҳимояловчи хоссаларини оширишнинг самарадор усуллари ишлаб чиқиш, оловдан ҳимоя механизмларини такомиллаштириш ва шунингдек бино ва иншоотлар ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишнинг ишлаб чиқилган илмий асосланган техник ечимлар тадқиқотнинг илмий аҳамиятини намоён этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий минерал хомашёлар асосида ёнмайдиган ва юқори ҳароратларга бардошли самарадор иссиқликдан изоляциялаш хусусиятига эга бўлган плитка кўринишидаги янги материалларни яратиш ва қўллаш орқали қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ҳамда иссиқликдан ҳимоялаш даражасини ошириш, бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини ҳамда энергия самарадорлигини ошириш, шу орқали бино ва иншоотларга қўланиладиган қурилиш материалларининг ёнғинга хавфлилиги даражасини самарали тарзда камайтиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий минерал хомашёлар асосида ёнғинга хавфсиз иссиқликдан изоляцияловчи материаллар яратиш, қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва иссиқликдан ҳимоялаш даражасини ошириш ҳамда бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича олинган натижалари асосида:

силикат таркибли ва вермикулит минерали асосида олинган, иссиқликдан изоляциялаш хусусиятига эга бўлган ёнғинга хавфсиз плитка кўринишидаги материаллар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тасарруфидаги объектларда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 06 августдаги №09-06/9319-сон маълумотномаси). Тадқиқотлар натижасида аниқландики, янги олинган плитка кўринишидаги материаллар юқори ҳарорат ( $900^{\circ}\text{C}$ ) таъсирига бардошли ва ушбу шароитда 40 дақиқагача иссиқликдан изоляциялаш хусусиятини сақлаб қолади. Ушбу янги материаллар асосий ёнғин-техник тавсифи бўйича ёнмайдиган материаллар жумласига киради. Шунингдек, тадқиқотларда янги олинган плитка кўринишидаги материаллардан металл ва темирбетон конструкцияларни ёнғин вақтида олов таъсиридан ҳимояловчи восита ва ёнмайдиган иссиқликдан изоляцияловчи материал, шунингдек ёнғинга қарши тўсиқ сифатида самарали фойдаланиш мумкин;

маҳаллий минерал хомашёлар яъни натрийли суяқ шиша, доломит ва вермикулит минераллари, хлорид кислота ва полимер қўшимчалар асосида олинган ёнғинга хавфсиз плитка кўринишидаги материаллар “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда жорий қилинган (Ўзсаноатқурилишматериаллари уюшмасининг 2021 йил 19 августдаги 05/15-2100-сон маълумотномаси).

Илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг қўлланилиши натижасида қурилиш конструкциялари ва материалларининг термик бардошлилигини  $300\text{--}450^{\circ}\text{C}$  дан  $1000\text{--}1200^{\circ}\text{C}$  гача ошириши, ушбу турдаги аналог материалларга нисбатан юқори ( $900^{\circ}\text{C}$  гача) ҳарорат таъсирида иссиқликдан изоляциялаш қобилиятини сақлаб қолиш вақти 10% гача ошишига, ташқи атмосфера таъсирларига чидамлилиқ 5–9% гача ҳамда мустаҳкамлик сифатлари аналог сифатида қўлланилган материалларга нисбатан 10–15% га ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ва апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 4 та илмий мақола ва 1 та монография хорижда, 5 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 9 таси халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар тўпламларида нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётла рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, ўрганилганлик даражаси ва тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий ҳолати. Ёнғинга хавфсиз қурилиш материаллар”** деб номланган биринчи боби бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг батафсил таҳлилига ҳамда меърий талабларига бағишланган. Жумладан, қурилишда биноларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ошириш учун давлат стандарти кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқарилган, ёнғинга чидамли ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берувчи қурилиш материалларидан фойдаланиш заруратидан келиб чиқиб, бино ва иншоотларда ёнғин хавфсизлигининг зарур даражасига эришиш учун белгиланган ёнғин ва техник хусусиятларга эга бўлган қурилиш материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги кенг таҳлил қилинган.

Ҳозирги кунда қуриладиган замонавий биноларнинг қурилишида кўп ишлатиладиган материаллардан бири бу иссиқликдан изоляцияловчи материаллар бўлиб, улар самарали иссиқлик изоляциялаш хусусиятларидан ташқари, ёнғинга бардошли бўлиши талаби асосида бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича оловбардош ва ёнғинга қарши қурилиш материалларини ишлаб чиқиш йўналишидаги илмий-техник адабиётлар, хусусан, ёнғинга қарши иссиқликдан изоляцияловчи материалларни ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича самарали илмий ечимлар ва уларни такомиллаштириш йўллари таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқот объектлари ва асосий тадқиқот усуллари ҳақида маълумот берилган. Ёнғинга чидамли иссиқликдан изоляцияловчи материалларни, иссиқликдан ҳимоя воситаларини, шу жумладан силикат аралашмалари ва иссиқликдан изоляцияловчи материалларни ишлаб чиқиш бўйича шу талабларга жавоб берадиган маҳаллий хомашёлар келтирилган. Ёнғинга хавфсиз бўлган иссиқликдан изоляцияловчи материалларни ишлаб чиқиш бўйича хорижий тажрибага оид таҳлилий маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Силикат-полимерлар асосида янги композицияларни олиш, уларнинг термик ва теплофизик хоссаларини ўрганиш”** деб номланган иккинчи бобида силикат асосли ғовақдор таркибларни, ғовақдор оловбардош гранулаларни ҳамда силикат таркибли ва вермикулитли плитка кўринишидаги материалларни олиш, термик ва теплофизик хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари натижалари

келтирилган. Самарали иссиқликдан изоляциловчи хусусиятларга эга материалларни олиш учун, маҳаллий минерал хомашёлардан фойдаланган ҳолда, ғовақдор тузилмали янги таркибли силикат композицияларни синтез қилиш бўйича бир қатор тажрибалар ўтказилди. Биринчи босқичда натрийли суюқ шиша, доломит ва бошқа қўшимча реагентлар асосида янги таркибли ғовакли композициялар синтез қилинди. Қуйида янги ғовакли композицияларни олиш учун лаборатория мосламаси схемаси келтирилган (1-расм).

Янги силикат таркибларни олиш усули: механик аралаштиргич ва термометр билан жиҳозланган икки оғизли колбада (1-расм) 40 дақиқа давомида натрийли суюқ шиша ( $1300-1500 \text{ кг/м}^3$ ) ва юқори дисперсликдаги доломит оғирлик нисбатлари бўйича 3:1 нисбатда аралаштирилди. Қўшимча равишда доимо аралаштириб турилган ҳолда томчилаб 50 мл (30%) HCl қўшилди.



1-расм. Янги ғовақдор силикат таркибларни олиш учун лаборатория қурилмаси: 1. Электромотор. 2. Аралаштиргич. 3. Икки ёки уч оғизли колба. 4. Тескари совутгич. 5. Воронка. 6. Сувли ҳаммом.

Кислота қўшилгандан сўнг, ҳосил бўлган аралашмани бир хил дисперсияли ҳолат ҳосил бўлгунча аралаштирилди. Эритманинг муҳити кучсиз кислотали ( $\text{pH} = 6,5-7$ ). Олинган масса ичкаридан фолга билан қопланган маҳсус қолипга қуйилди. Кейинчалик қолип SNOL 8./1200 маркали электр печга қўйилди ва 300 дан  $500^\circ\text{C}$  ҳароратгача 2 соат давомида қайнатилди. Олинган маҳсулот кул рангга ва юқори ғовакликка эга бўлди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Янги ғовақдор таркибларнинг синтезини амалга ошириш шароити

т/р	Реакция ҳарорати, $^\circ\text{C}$	Берилган реагентларнинг масса улуши	Маҳсулот тури	Кислотали муҳит, pH	Реакция унумдорлиги, %	Маҳсулот ранги	
1.	200/300	суёқ шиша:	3:3:1	кукунли	7,0-7,5	85	оқ
		доломит:	3:2:1	кукунли	6,0-6,5	85	оқ-кулранг
		HCl	3:1:0,5	плиткали	6,0-6,5	51	кулранг
2.	300/500	суёқ шиша:	3:1:0,5	плиткали	6,0-6,5	55	кулранг
	400/700	доломит:	3:1:0,5	плиткали	6,0-6,5	65	кулранг
	500/900	HCl	3:1:0,5	плиткали	6,0-6,5	65	кулранг
3.	400/700	суёқ шиша: бўр: HCl	3:1:0,5	плиткали	7,0	79	оқ

Кейинги босқичдаги тадқиқотларда юқорида кўрсатилган силикат

таркиблар асосида ғоваксимон гранулалар олинди Бунинг учун натрийли суюқ шиша, юқори дисперсликдаги доломит, алюминий оксиди ва хлорид кислотаси доимий аралаштириб, бу компонентларнинг маълум қовушқоқликдаги аралашмаси олинди. Олинган аралашма совутилгандан сўнг, керакли ўлчамдаги гранулаларни олиш имконини берадиган, ўтиш каналлари бўлган махсус қурилма орқали ўтказилди. Олинган гранулалар SNOL печида ҳарорат остида қайта ишловдан ўтказилгандан кейин, 450<sup>0</sup>С ҳароратда ғовакли таркибга ва (1000–1200<sup>0</sup>С) иссиққа чидамли хусусиятга эга бўлган қаттиқ гранулаларга айланди. 2-расмда ўтказилган тажрибалар асосида олинган қаттиқ ғовакли силикат гранулалари (чапда) ва ушбу гранулалар асосидаги плитка кўринишидаги материаллар (ўнгда) келтирилган.



2-расм. Ғовақдор ўта енгил гранулалар ва улар асосидаги плиткали материаллар


Тадқиқотларнинг кейинги босқичида плитка кўринишидаги материалларни олиш учун термовермикулит асосида турли хил таркиблар ишлаб чиқилди. Бунинг учун дастлаб турли хил заррача ўлчамидаги термовермикулит фракциялари олинди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Турли хил заррача ўлчамидаги термовермикулит фракциялари

т/р	1	2	3	4	5	6	7	8
<b>Фракция</b>	7-8	5-6	3-4	0,5-1	0,250-	0,160-	0,250≤	0,160≤
	мм	мм	мм	мм	0,5 мм	0,250 мм	мм	мм

Вермикулитли плитка кўринишидаги материалларни ишлаб чиқишга оптимал фракцияларни аниқлаш учун термовермикулитнинг олинган фракциялари (2-жадвал) унинг ҳажмий оғирлиги (3-расм) қийматини аниқлаш учун ўрганилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, термовермикулит заррачалари ўлчамининг кичиклашиши билан унинг ҳажмий оғирлиги қиймати ошади ва аксинча, заррача ўлчами қанчалик даражада катта бўлса, унинг ҳажмий оғирлиги қиймати ҳам шунчалик даражада кичик бўлади. Тадқиқотлар давомида, мустаҳкам оловга бардошли вермикулитли плитка кўринишидаги материалларни ишлаб чиқиш учун заррачалар ўлчами 3-4 мм га тенг фракциялар энг оптимал фракциялар ҳисобланиши аниқланди (3-расм).



3-расм. Термовермикулит заррачалари ҳажмий оғирлигининг унинг заррачалари ўлчамига боғлиқлиги


Термовермикулит, натрийли суюқ шиша, силикон, юқори дисперсли волластонит, толасимон компонентлар (шишасимон тола, базальт тола, микрокристаллик целлюлоза), кремний IV-оксиди (МК - микрокремнезём) каби тўлдирувчилар асосида вермикулитли плитка кўринишидаги материаллар олинди (3-жадвал, 6-расм).

**3-жадвал**

**Термовермикулит ва тўлдирувчилар асосида олинган янги таркиблар**


т/р	Миқдори, масс. %					
	Таркибнинг асоси		Қўшимча компонентлар			
	Суюқ шиша	Термовермикулит (3-4 мм)	Силикон	Ингичка дисперсли волластонит	Толасимон компонентлар	SiO <sub>2</sub> (МК)
1.	51,73	48,17	0,1	0,1	0,1	0,1
2.	51,63	48,27	0,1	0,1	0,1	0,1
3.	51,73	47,27	1	1	1	1
4.	50,73	48,27	1	1	1	1
5.	50,23	46,77	3	3	3	3
6.	46,73	45,27	10	10	10	10

Олинган плитка кўринишидаги материалларнинг намуналари ушбу турдаги материаллар учун талаб қилинадиган параметрлар бўйича текширилди, бунда иссиқлик ўтказувчанлик, физик-механик ва ёнғин-техник тавсифлар бўйича оптимал қийматларга эришиш бўйича алгоритм ишлаб чиқилди. Шундан кейин олинган плитка кўринишидаги материалларнинг намуналари иссиқликдан изоляцияловчи хусусиятининг самарадорлигини ва юқори ҳароратларга бардошлилигини баҳолаш учун тадқиқ қилинди (4- ва 5-расмлар).



4-расм. MCTR – 1000 дастурий таъминотдаги график режимда термопарадан ўлчов натижаларининг таҳлили: 1-печ ичидаги ҳарорат; 2- намуна олдидаги ҳарорат; 3-намунанинг ортидаги ҳарорат.

4 – ва 5-расмдаги учта эгри чизиқлар синаш учун олинган плитка материаллари учун намуна сиртининг иситиш вақтига ҳарорат фарқи индекси ( $\Delta^{\circ}\text{C}$ ) қийматининг боғлиқлигини кўрсатади. Бу ерда ҳарорат фарқи индикатори ( $\Delta^{\circ}\text{C}$ ) намуна олдидаги ҳарорат қийматлари билан намуна ортидаги ҳарорат эгри чизиқлари кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг қиймати. Бу индикаторнинг қиймати шуни кўрсатадики, унинг қиймати қанчалик юқори бўлса, бу материал учун иссиқлик изоляцияси самарадорлиги қиймати шунча яхши бўлади.



5-расм. Плитка кўринишидаги материал намуналарининг ҳарорат ўтказувчанлиги кўрсаткичлари график кўриниши.

Аммо, бу ерда асосан ҳарорат фарқининг якуний қийматларига эътибор қаратиш лозим ( $^{\circ}\text{C}$ ), чунки эгри чизиқлар ҳароратининг дастлабки қийматлари ўрганилаётган материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик даражасини аниқ акс эттирмайди. Бу ўлчовлар шуни кўрсатдики,

текширилган намуналар ҳаммаси юқори ҳароратга чидамли ( $900^{\circ}\text{C}$  гача), чунки ҳар бир намуна юқори ҳароратдаги узоқ муддатли синовлар давомида яхлитлигини ва физик-механик хусусиятларини йўқотмаган ҳолда вазн йўқотиши максимал 13,1 % бўлганлиги орқали ўз илмий исботини топди

Диссертациянинг “**Материалларнинг ёнғин-техник хоссаларини тадқиқ қилиш**” деб номланган учинчи бобида янги олинган плитка кўринишидаги материалларнинг асосий ёнғин-техник хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Материалларнинг ёнғин хавфи даражаси ШНК 2.01.02-04. “Био ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”га мувофиқ ёнувчанлик, алангаланиш, тутун ҳосил бўлиш қобилияти, ёниш маҳсулотларининг заҳарлилиги каби хусусиятлар билан белгиланишидан келиб чиққан ҳолда, плитка кўринишидаги материалларнинг намуналари билан синовлар ёнувчанликни аниқлаш, тутун ҳосил бўлиш коэффициенти ва юза бўйлаб оловнинг тарқалиш қобилияти каби асосий ёнин-техник хусусиятларга мувофиқ ўтказилди. Плитка кўринишидаги материалларнинг куйида келтирилган компонентли таркибларининг очиқ олов таъсирига чидамлилиги тадқиқ қилинди (4- ва 5-жадваллар).

#### 4-жадвал

#### Термовермикулит асосидаги плитка кўринишидаги материалларнинг бир қатор тавсифлари

Таркибнинг асосий компонентлари	Намунанин г зичлиги гр/см <sup>2</sup>	Намуна ўлчамлари, см	Масса йўқотилиши, Δм, гр. (%)
Термовермикулит	1.398	15x9x1.5	Δм* =152,9-138,9 =14 (9,1%)
Силикон			
Натрийли суюқ шиша			


\*Намунанин бошланғич оғирлиги 152,9 г, синовдан кейинги оғирлиги 128,9 г.

Ўтказилган синовлар янги олинган плитка кўринишидаги материалларнинг (5 ва 6-расмлар) юқори ҳароратларга ( $900^{\circ}\text{C}$  дан  $1200^{\circ}\text{C}$  гача) ва очиқ олов таъсирига чидамлилигини кўрсатди. Синовлар давомида термовермикулит асосида олинган плиткали материал намунаси (4-жадвал ва 6-расм) 2 дақиқа очиқ оловда унинг сиртини ғовақдор қатлам билан қоплаш ҳолати кузатилди, бу кейинги тадқиқотларда кўрсатганидек кўшимча ҳимоя қатлами ролини ўйнайди. Бундан ташқари, силикат таркибига эга янги олинган плитка кўринишидаги материалнинг синовлари (5-жадвал ва 7-расм) уларнинг юқори ҳароратларга чидамлилигини кўрсатди, синовдан кейин ташқи кўринишида ҳеч қандай ўзгаришларга учрамади.

#### 5-жадвал

#### Силикат плитка кўринишидаги материалларнинг таркибий қисми

т/р	Таркиби	Таркибий қисмларнинг масса нисбатлари, гр
1.	Юқори дисперсли доломит	150
2.	Хлорид кислота	25
3.	Натрийли суюқ шиша	450
4.	Кремнезем (Ангрен заводи чиқиндиси)	15



6-рasm. Вермикулитли плитка синовгача (чапда) ва синовдан кейин (ўнгда)

7-рasm. Силикатли плитка синовгача (чапда) ва синовдан кейин (ўнгда)

Намуналарнинг тутун ҳосил бўлиш хусусиятлари амалдаги меъёрий талаблар асосида қуйидаги шароитларда амалга оширилди: хона ҳарорати 20-25°C, атмосфера босими 95-97 кПа, атмосфера намлиги 35-50%. Намуна ўлчами 40x40x5 мм. ( $V = 200-220-240$  В).

Тутун ҳосил қилиш коэффициентини ( $D_m$ ) қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

$$D_m = \frac{V}{lm} \ln \frac{I_0}{I_{min}}, \quad [M^2/KГ]$$

$V$  – ўлчаш камераси ҳажми (0,512 м<sup>3</sup>);

$L$  – тутунли муҳитдаги нурнинг босиб ўтадаган масофаси (0,8 м);

$m$  – намунанинг оғирлиги, кг;


$I_0$  – ва  $I_{min}$  – мос равишда, ёруғлик ўтказишининг бошланғич ва якуний қиймати, %.

Тадқиқотлар якунига кўра, синовдан ўтган барча намуналар асосан тутун ҳосил бўлиш коэффициентининг паст қийматга эга (минимал 4,29 дан максимал 51,02 м<sup>2</sup>/кг қийматгача) эканлиги, уларнинг кўпчилиги бу қийматлар бўйича кам тутун ҳосил бўлиш қобилятига эга материалларга кириши маълум бўлди. Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган ёнғин-техник кўрсаткичлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаларига ҳамда теплофизик хусусиятларни аниқлаш бўйича амалга оширилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, олинган материаллар самарадор иссиқликдан изоляцияловчи сифатга эга ёнғиндан хавфсиз материаллар синфига кириши тасдиқланди.

Диссертациянинг “Ёнғинга хавфсиз иссиқлик изоляцияловчи материаллар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш” деб номланган тўртинчи боби самарадор иссиқликдан изоляциялаш хусусиятига эга бўлган ғовакдор ва ғовакли бўлмаган плитка кўринишидаги материалларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ҳамда олинган кичик саноат намуналарининг асосий ёнғин-техник хоссаларини ўрганишга бағишланган. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида ёнғинга хавфсиз плитка кўринишидаги материалларни ишлаб чиқаришнинг тўлиқ технологик босқичлари ишлаб чиқилган.

Иссиқликдан изоляцияловчи плитка кўринишидаги материалларни олиш учун боғловчи сифатида натрийли суюқ шиша ҳамда асосий компонентлар сифатида доломит, хлорид кислота, термовермикулит, кремнезем, шунингдек, полимер қўшимчалар сифатида силикон, диацетат целлюлоза, эпоксид смола, карбамид-формальдегид смола, натрийкарбоксиметил-целлюлоза ёки уларнинг турли хил нисбатдаги аралашмалари қўлланилган.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида силикатли плитка кўринишидаги материалларни олиш учун дастлаб силикат таркибларни олиш технологияси ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги босқич ва қисмлардан ташкил топган:



8-расм. Янги таркибли иссиқлик изоляцияловчи материал ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси:

1.Майдалагич 2.Тозалаш босқичи 3.Ишқор билан ишлов бериш 4.Электр аралаштиргичли реактор 5.Сувли насос 6.Кўшимча идиш 7.Совуткич 8.Нейтралловчи 9.pH-метрли дозатор 10.Печка 11.Қуритгич 12.Пресс қурилма

